

ШАМС ТАБРИЗИЙНИНГ ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИДАГИ РОЛИ

Одинаев Махмуд Ахмадович

“Smart Education Bukhara” МЧЖ таъсисчиси

Тел: +998 93 635 42 12

E-mail: mahmud.odinayev@mail.ru

[Orcid: 0009-0008-8710-0288](https://orcid.org/0009-0008-8710-0288)

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тасаввуф фалсафаси, унинг Шарқ ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётидаги роли борасида мулоҳазалар келтирилган. Шунингдек, XIII асрда яшаган буюк мутасаввиф – Шамс Табризийнинг тасаввуф фалсафасида тутган ўрни далиллар асосида очиқ берилган.

***Калит сўзлар:** Тасаввуф фалсафаси, сўфий, мутасаввиф, Шамс Табризий, Жалолиддин Румий, комил инсон, шариат, тариқат.*

РОЛЬ ШЕМСА ТЕБРИЗИ В ФИЛОСОФИИ СУФИЗМА

Одинаев Махмуд Ахмадович

Основател ООО «Smart Education Bukhara»

Тел: +998 93 635 42 12

E-mail: mahmud.odinayev@mail.ru

[Orcid: 0009-0008-8710-0288](https://orcid.org/0009-0008-8710-0288)

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается философия суфизма, ее роль в развитии восточной общественно-философской мысли. Также на основе фактических данных раскрывается роль Шамса Тебризи, великого мистика, жившего в XIII веке, в философии суфизма.

***Ключевые слова:** Суфийская философия, суфий, мистик, Шамс Тебризи, Джалалуддин Руми, совершенный человек, шариат, тариқат.*

THE ROLE OF SHEMS TABRIZI IN THE PHILOSOPHY OF SUFISM

Odinayev Mahmud Ahmadovich

Founder of LLC “Smart Education Bukhara”

Phone: +998 93 635 42 12

E-mail: mahmud.odinayev@mail.ru

[Orcid: 0009-0008-8710-0288](https://orcid.org/0009-0008-8710-0288)

ABSTRACT

This article examines the philosophy of Sufism, its role in the development of Eastern socio-philosophical thought. Also, based on factual data, is revealed the role of Shams Tabrizi, a great mystic who lived in the 13th century, in the philosophy of Sufism.

Key words: *Sufi philosophy, sufi, mystic, Shams Tabrizi, Jalaluddin Rumi, perfect human, shariat, tarikat.*

КИРИШ

Шарқ фалсафасида, хусусан унинг асосий тармоқларидан бири ҳисобланган тасаввуф таълимотида комил инсон ғояси, нафс тарбияси, руҳий тарбия масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган. Тасаввуф фалсафаси тарихида шаклланган тариқатларда ҳам руҳий тарбия, нафс назорати, комил инсон ғоялари етакчилик қилганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Шамсиддин Табризий, Жалолиддин Румий, Баҳоуддин Нақшбандий каби сўфийлар ижодида тасаввуфнинг асл мазмун-моҳияти намоён бўлганлигига амин бўламиз.

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР

Маълумки, XIII аср тасаввуф фалсафаси ривожида муҳим босқич ҳисобланади. Айнан шу асрда Яссавийлик, кубравийлик ва бошқа бир қатор тариқатлар шаклланди. Ушбу асрда яшаган тасаввуф фалсафасининг пешволаридан бири, Жалолиддин Румий каби дунёга машҳур зотнинг дунёқарашига таъсир қилган мутафаккир, сўфий ва ҳол илмининг билимдони Шамсиддин Табризийдир¹. Шамс Табризий XIII асрда яшаган машҳур мусулмон мутафаккири ва сўфийдир. Унинг ҳақиқий исми Шамсиддин Муҳаммад ҳисобланади. Тахаллусидан маълум бўладики, аллома Табриз шаҳрида туғилган. Ёшлигидан диний таълим ола бошлаган Шамс анъанавий таълимотлардан четга чиқиб, чуқур тасаввуфий кечинмаларга мурожаат қилишга қарор қилди. Тасаввуфга бўлган чуқур қизиқиши Шамсни турли илмий марказларга, турли маълумот манбаларига мурожаат қилишга мажбур этди. Мавлавия тариқатининг манбаларида асосан «Шамсиддин», «Шамсул ҳақ ва-д-дин», «Шамс», «Шамс Табризий» каби номлар билан юритиб келинади. Афлокийнинг ёзишча, Шамс саргардон дарвеш бўлгани учун тариқат раҳнамолари томонидан «Комил-и Табризий» ва «Шамсиддини Паранда» лақаблари билан шуҳрат қозонган². Шамс ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи энг

¹ Бадиуззамон Фурузонфар. Мавлоно Жалолиддин. – Истанбул: 1997. – Б. 167.

² Шамсиддин Афлокий. Орифлар маноқиблари. (Таҳсин Язичи таржимаси). – Истанбул: 1995. – Б. 189-286.

муҳим манбалар қаторига Сипоҳсолорнинг «Рисола»³, Султон Валаднинг «Ибтидонома»⁴ каби асарларни киритишимиз мумкин.

Шамс ўз илмий фаолиятининг бошланишини қуйидагича изоҳлайди: «Табризда Абу Бакр исмли шайхим бор эди. У сават тўқир эди. Мен ундан кўп дуолар олдим. Лекин менда бир нарса бор эдики, уни шайхим кўрмагани учун ҳеч ким кўра олмасди. Худовандигор Мавлоно буни кўрди».

Шамснинг ўз ҳаёти ҳақида айтган ушбу маълумотлардан илк устози Абу Бакр Саллабоф бўлганлиги англашилади. Фақат аллома «Мақолот»да маънавий тарбия йўлидаги илк раҳнамози ҳазрат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлганлигини таъкидлайди: «Ҳар ким ўзининг пири ҳақида гапиради. Бизга эса ҳазрат Муҳаммад алайҳиссалом тушимизда бир ҳирқа берди. Аммо бу ҳирқа икки кун ўтиб эскириб кетадиган, йиртиладиган ҳирқа эмас эди. Балки суҳбат ва йўлдошлик ҳирқаси эди»⁵. Ҳазрат Муҳаммад алайҳиссаломдан маънавий ҳирқа кийганлигини баён этган Шамс Табризий бир муддат Табризда Абу Бакр Саллабоф ҳузурида қолгач, шаҳарма шаҳар кезиб, машҳур мутасаввифлар билан суҳбатларда бўлди.

Шамс Табризий энг аввало буюк мутасаввиф олим, шоир Мавлоно Жалолиддин Румий билан чуқур маънавий алоқаси ва таъсири билан машҳурдир. Зеро, Шамс Табризий Жалолиддин Румий илмий-фалсафий фаолият билан машғул бўлган Коня шаҳрига келгач, Мавлононинг тафаккурида кескиб бурилишлар, ўзгаришлар юзага келди. Натижада, бу учрашув Мавлонони илоҳий ишқ куйчисига айланишига сабаб бўлди. Улар иккинчи марта учрашганларида Мавлоно ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди.

Шамс Табризийнинг фалсафий таълимоти анъанавий ислом тафаккури билан бир қаторда, тасаввуфга хос бўлган таълимотларни ҳам ўз ичига олади. Унинг нуқтаи назарига кўра, Аллоҳ таолонинг висолига эришиш фақатгина китоблар ёки қоидалар билан эмас, балки ички маърифат билан содир бўлиши мумкин. Шамс таълимотида меҳр-муҳаббат, бирдамлик, инсонлар қалбини тозалаш ғоялари марказий ўрин тутади.

Шамс Табризий ғояларининг ҳаётийлиги унинг вафотидан кейин ҳам давом этди. Шамс таъсири Мавлоно Жалолиддин Румий асарлари ва таълимотларида яққол кўзга ташланади. Шу билан бирга, Шамс таълимоти ислом оламида ва ундан ташқарида тасаввуфий фикрга урғу берган кўпчиликка катта таъсир кўрсатди. Унинг тасаввуфий ғоялари сўфийлик анъаналарида

³ Фаридун Сипоҳсолор. Рисола: Мавлоно ва унинг атрофидагилар (Тахсин Язичи таржимаси). – Истанбул: 1977. – Б. 121-134.

⁴ Султон Валад. Ибтидонома. (Абдулбоқий Голпинарли таржимаси). – Анқара: 1976. – Б. 48-92.

⁵ Шамс Табризий. Мақолот. Али Муваҳҳид таҳрири остида. – Техрон: 1949.

муҳим ўрин тутди. Унинг таълимоти муҳаббат ва дўстликни умумбашарий тушунишни тарғиб қилувчи қимматли мерос ҳисобланади. Натижада бу таълимот тарих давомида қанчадан-қанча инсонларнинг қалбини ёритиб, уларни чуқур ботиний мушоҳадага етаклади.

Шамсиддин Табризий ҳаёти ва илмий-фалсафий фаолияти ҳақида бизга гувоҳлик берувчи энг муҳим манба унинг «Мақолоти Шамс Табризий» асаридир ⁶. Ушбу асар Шамс Табризийнинг илмий сафарлари, илмий доиралардаги савол-жавоблари ҳамда рақиблари билан кечган баҳс-мунозаралари ҳақида бизга ишончли маълумотларни тақдим этади. Шунингдек, мазкур манба Шамс Табризийнинг тасаввуфий қарашларининг асл мазмун-моҳиятини тўғри англашда ҳам дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Шамс Табризийнинг тасаввуфий қарашлари сўфийлик фалсафасининг асосий тушунчаларини англашда, ушбу фалсафий таълимотнинг Шарқ фалсафаси ривожига аҳамиятини тўғри баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Иккинчи томондан эса Шамс Табризийнинг тасаввуфий қарашлари бугунги кундаги сохта тариқатчилик, радикализм, ақидапарастлик ва оммавий маданият каби муаммоларнинг олдини олишда маърифий иммунитет вазифасини ўтайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Бадиуззамон Фурузонфар. Мавлоно Жалолиддин. – Истанбул: 1997. – Б. 167-242.
2. Саҳиҳ Аҳмад Дада. Мавлавийлар тарихи. – Истанбул: 2003. – Б. 164-171.
3. Султон Валад. Ибтидонома. (Абдулбоқий Голпинарли таржимаси). – Анқара: 1976. – Б. 48-92.
4. Фаридун Сипоҳсолор. Рисола: Мавлоно ва унинг атрофидагилар (Таҳсин Язичи таржимаси). – Истанбул: 1977. – Б. 121-134.
5. Шамс Табризий. Мақолот. Али Муваҳҳид таҳрири остида. – Техрон: 1949.
6. Шамсиддин Афлокий. Орифлар маноқиблари. (Таҳсин Язичи таржимаси). – Истанбул: 1995. – Б. 189-286.

⁶ Шамс Табризий. Мақолот. Али Муваҳҳид таҳрири остида. – Техрон: 1949.